



## ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИГА ДОИР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ

**Умматов Мамарасул Турсунович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти  
масъул ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

(E-mail: [mamarasulummatov@gmail.com](mailto:mamarasulummatov@gmail.com))

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8137558>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 10<sup>th</sup> July 2023

Online: 11<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

Жиноят процесси, тергов ҳаракати, далил, исбот қилиш, таниб олиш учун кўрсатиш, объект, субъект, қўчмас объект, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд.

### ABSTRACT

Мақолада таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатига доир илғор хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги ушбу процессуал қонунчилик тартибига солувчи нормалар, таниб олиш учун кўрсатишнинг объект ва субъектларига доир хорижий тажрибалар атрофлича ўрганиб чуқур таҳлил қилинган бўлиб келгусида уларни Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига тадбиқ масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ичида асосийларидан бири бу Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларини замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш масаласидир.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг самарали тизimini яратиш орқали қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш ушбу соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишларидир[1].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори[2], Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-470-сон Қонунининг[3] қабул қилиниб, кучга киритилганлиги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг такомиллашувидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди ва ҳозирда ҳам мазкур ислохотлар тизимли равишда давом этмоқда.



Қайд этиш жоизки, жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштиришда далилларни тўплашнинг энг самарали ва кенг қўлланиладиган усули ҳисобланган тергов ҳаракатлари ва унинг турларини илмий тадқиқ қилиш, уларни процессуал ва криминалистик жиҳатларини янада такомиллаштириш истиқболларини белгилаш жуда муҳимдир.

Бугунги кунда тергов ва суд амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган ана шундай тергов ҳаракатларидан бири сифатида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини кўрсатиш мумкин. Биз қуйида ушбу тергов ҳаракатига доир хорижий тажрибалар атрофлича ўрганиб уни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ЖПКнинг далиллар тўплаш деб номланган 87-моддасида ва 14-боби (таниб олиш учун кўрсатиш)нинг 125-131-моддаларида мустақамланган.

Таниб олиш учун кўрсатишни ўтказишнинг ЖПКда ўз аксини топган хусусиятларига қуйидагилар киради:

- гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун ўтказилиши;
- ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин кўрсатувчи текширилаётган шахс (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи) таниб олиши лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозимлиги;
- таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ўтказиб бўлинганидан сўнг ҳам таниб олувчининг унга кўрсатилган объектни айнан қайси белгилари бўйича таниганлиги ёки таниб олмаган бўлса, у танийдиган объект кўрсатилган объектдан нимаси билан фарқ қилиши лозимлиги бўйича сўроқ қилиниши лозимлигини;
- шахс таниб олиш учун тергов олиб борилаётган ишга алоқаси бўлмаган, ташқи белгилари билан ўзига ўхшайдиган, уч нафардан кам бўлмаган шахслар гуруҳи орасида холислар ҳузурида кўрсатилиши;
- зарур имконият бўлмаганда таниб олинувчининг (кийими, соч қирқтириши ёки тарашини ёхуд бошқа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмайдиган 3 тадан кам бўлмаган шахснинг) фотосурати кўрсатилиши;
- таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкинлиги;
- таниб олиш учун нафақат шахслар, балки мурдалар, нарса ёки хайвонлар, кўчар ва кўчмас объектлар ҳам кўрсатилиши мумкинлиги;
- таниб олинувчи объектлар турдош объектлар билан бирга кўрсатилиши ҳамда ушбу процессуал қоида мурдани таниб олишда қўлланилиши таъқиқланганлиги;
- таниб олиш учун кўрсатишнинг соат 6:00дан 22:00га қадар ўтказилиши ва унинг жиноят иши қўзғатилмасдан туриб ўтказишга йўл қўйилмаслиги;
- таниб олиш учун кўрсатишнинг ҳам жиноят ишларини тергов қилиш ва ҳам суд тергови босқичида ўтказилишига рухсат берилганлиги.



Айрим хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибалари ўрганилганда бир қатор ўзига хос ижобий хусусиятларни кўришимиз мумкин.

Жумладан, таниб олиш учун кўрсатиш *тергов ҳаракатининг мақсади ва вазифалари* аниқ белгилаб кўйилганлигини куйдаги давлатларда кузатиш мумкин.

Хусусан, **Беларусь Республикаси** ЖПКнинг 223-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш)да[4] ва **Қозоғистон Республикаси** ЖПКнинг 229-моддаси(таниб олиш учун кўрсатиш)да[5] таниб олиш учун кўрсатишнинг мақсади аниқ кўрсатилганлигини ва унинг мақсади сифатида олдин кузатилган шахс ёки нарсаларни айнанлигини ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш эканлиги белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Бироқ, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигидаги сингари **Қирғизистон** (ЖПК 24-боб) [6], **Молдова** (ЖПК 3-боб) [7], **Туркменистон** (ЖПК 29-боб) [8], **Украина** (ЖПК 20-боб) [9] каби давлатларнинг қонунчилигида ҳам таниб олиш учун кўрсатишнинг мақсади аниқ кўрсатилмаганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, **Германия Федератив Республикаси** жиноят-процессуал қонунчилигида[10] таниб олиш учун кўрсатиш алоҳида тергов ҳаракати сифатида қайд қилинмаган ва унга боб ажратилмаганлигини ҳамда худди шу каби ҳолат **Хитой Халқ Республикаси** ЖПКда[11] ҳам кузатилади.

Бироқ, ушбу давлатларнинг ЖПКларида таниб олиш учун кўрсатишга оид процессуал қоидалар мавжуд бўлсада, фақатгина ушбу ҳаракатларнинг тартиби кўрсатиб берилган бўлиб, мақсад ва вазифалари нимадан иборатлиги белгиланмаган.

Ушбу таҳлиллардан кўриниб турибдики, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг мақсади айрим давлатлар *Жиноят-процессуал кодексларида* аниқ белгиланган (*Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексинингнинг 223-моддаси, Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддаси*), айрим давлатлар *Жиноят-процессуал кодексларида* эса умуман белгиланмаган (*Қирғизистон, Молдова, Туркменистон, Украина Жиноят-процессуал кодекслари*), шунингдек бошқа бир давлатларда *Жиноят-процессуал кодексларида* эса ушбу тергов ҳаракати мустақил тергов ҳаракати мақомига эга эмас (*Германия Федератив Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси*).

Ўрганилган хорижий давлатларнинг ЖПКларининг аксариятида *кўчмас объектни* таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати умуман назарда тутилмаганлигини кўриш мумкин.

Мисол учун **Беларусь Республикаси** *Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддаси* (таниб олиш учун кўрсатиш) [4], **Қозоғистон Республикаси** *Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддаси*(таниб олиш учун кўрсатиш) [5], **Қирғизистон** (*Жиноят-процессуал кодексининг 24-боби*) [6], **Молдова** (*Жиноят-процессуал кодексининг 3-боби*) [7], **Туркменистон** (*Жиноят-процессуал кодексининг 29-боби*) [8], **Украина** (*Жиноят-процессуал кодексининг 20-боби*) [9] каби давлатларнинг қонунчилигида *кўчмас объектни* таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати умуман назарда тутилмаган.

Айнан бу масалада Ўзбекистон Республикаси ЖПКда *кўчмас объектни* таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг алоҳида нормада белгиланганлигини ютуқли ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.



Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунларида таниб олиш учун кўрсатишнинг ҳуқуқий тартибга солинишига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор мамлакатларда хусусан, Беларусь Республикаси (ЖПК XXV-боб) [4], Украина Республикаси (ЖПК XX-боб) [9], Қирғизистон Республикаси (ЖПК XXIV-боб) [6], Россия Федерацияси (ЖПК XXVI-боб) [12], Тожикистон Республикаси (ЖПК XXIII-боб) [13], Эстония Республикаси (ЖПК III-боб) [14], Германия Федератив Республикаси (ЖПК 88-§. Идентификация) [10], Хитой Халқ Республикаси (ЖПК V боби) [15]да таниб олиш учун кўрсатишга алоҳида боб ажаратилмаганлигини, ушбу тергов ҳаракати бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар билан бирга ёки унинг таркибида жойлаштирилганлигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, Германия Федератив Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг жиноят-процессуал қонунларида таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракатига алоҳида тергов ҳаракати мақоми берилмаганлиги, ушбу давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида таниб олиш учун кўрсатишнинг вазифалари бошқа процессуал ҳаракатларга юклатилганлигидан далолат беради.

Айрим давлатларнинг жиноят-процессуал қонунларида эса *таниб олиш учун кўрсатиш бошқа тергов ҳаракатлари билан бирга жойлаштирилган* бўлиб, улар қуйидагича тизимлаштирилганлигини кўриш мумкин:

- 1) барча тергов ҳаракатлари билан бирлаштирилган ҳолда битта бобга жойлаштирилган (Украина Республикаси ЖПК);
- 2) сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатлари билан бирга битта бобга жойлаштирилган (Беларусь Республикаси ЖПК, Россия Федерацияси ЖПК, Тожикистон Республикаси ЖПК);
- 3) сўроқ қилиш ва юзлаштириш билан битта бобга жойлаштирилган (Қирғизистон Республикаси ЖПК).

Ушбу таҳлиллар таниб олиш учун кўрсатишга алоҳида боб ажратилмаган давлатлар жиноят-процессуал қонунларида ушбу тергов ҳаракати сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бошқа процессуал ҳаракатларга чамбарчас боғлиқ ёки тобе эканлигини кўрсатади.

Таниб олиш учун кўрсатишнинг **объектларини** хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги қоидаларини таҳлил қилнганда, қуйидагиларни кузатиш мумкин:

- 1) **Арманистон** ЖПКда шахслар (221-м.), нарсалар (222-м.) ва мурдалар (223-м.) таниб олиш учун кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган[16];
- 2) **Беларусь** ЖПКнинг 223-моддасида шахслар, нарсалар, мурдалар ва ҳайвонлар таниб олиш учун кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган[4];
- 3) **Туркманистон** ЖПКнинг 267-моддасида Арманистон Республикаси ЖПКдаги сингари шахслар, нарсалар ва мурдалар таниб олиш учун кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган[8];
- 4) **Қирғизистон** ЖПКнинг 197-моддасида шахслар, нарсалар ва мурдалар таниб олиниши мумкинлиги белгиланган[6];
- 5) **Қозоғистон** ЖПКнинг 229-моддасида шахслар, **объектлар** ва мурдалар таниб олиниши мумкинлиги белгиланган[5];



6) **Молдова** ЖПКда шахслар (116-м.), нарсалар, мурдалар, **мурданинг қисмлари** (117-м.) таниб олиш учун кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган[7];

7) **Россия** ЖПКнинг 193-моддасида шахслар, нарсалар ва мурдалар таниб олиниши мумкинлиги белгиланган[12];

8) **Тожикистон** ЖПКнинг 205-моддасида шахслар, нарсалар ва мурдалар таниб олиниши мумкинлиги белгиланган[13];

9) **Озарбайжон** ЖПКда шахслар (239-м.) ва нарсалар (240-м.) таниб олиш учун кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган[17].

**Германия** ЖПКда таниб олиш учун кўрсатиш каби тергов ҳаракати назарда тутилмаган бўлсада, ушбу тергов ҳаракатининг вазифалари бошқа процессуал ҳаракатлар билан ҳал қилиниб келинаётганлигини кўрсатувчи нормаларнинг борлиги кўзга ташланади.

Хусусан, Германия ЖПКнинг 163b-моддаси (айнанликни аниқлаш)нинг биринчи қисмида гумон қилинувчининг шахсини аниқлаш учун унинг ўзи ёки ёнидан топилган нарсаларни айнанилигини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилиши лозимлиги, шунингдек ушбу ЖПКнинг айнаништириш деб номланган 88-моддасининг биринчи қисмида агар бирон бир тўсиқ бўлмаса, марҳумни таниган одамлардан сўраб, жасадни очмасдан олдин марҳумнинг шахсини аниқлаш кераклиги, иккинчи қисмида эса агар айбланувчи аниқланган ёки унинг мурдаси топилган бўлса, у таниб олиш учун кўрсатилиши лозимлиги[10] белгиланган.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати *субъектларининг* ЖПКда ҳуқуқий тартибга солинишини хорижий мамлакатлардаги тажрибаларига эътибор қаратадиган бўлсак, бу масалада ҳам айрим фарқли ва ўзига хос жиҳатларни кузатиш мумкин.

Хусусан, **Арманистон** ЖПКнинг 221-моддаси[16], **Беларусь** ЖПКнинг 223-моддаси[4], **Туркманистон** ЖПКнинг 267-моддаси[8], **Қирғизистон** ЖПКнинг 197-моддаси[6], **Молдова** ЖПКнинг 116-моддаси[7], **Россия** ЖПКнинг 193-моддасида[12], **Тожикистон** ЖПКнинг 205-моддаси[13] ва **Озарбайжон** ЖПКнинг 239-моддасида[17] таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг субъектлари бир ҳилда белгиланган бўлиб, улар сифатида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи белгиланган.

**Қозоғистон** ЖПКнинг 229-моддасида эса ушбу субъектлар сифатида гувоҳ, жабрланувчи ва гумон қилинувчи белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Қозоғистон ЖПКда юқорида ўрганиб чиқилган давлатлар ЖПКларидан фақрқли равишда айбланувчи таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг субъекти сифатида белгиланмаган.

Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунларида таниб олиш учун кўрсатишни *ўтказиш тартиби ҳам турлича тартибга солинган* бўлиб, булар орасидан айримларини илғор тажриба сифатида баҳолаш мумкин.

Хусусан, улар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

1) таниб олиш учун кўрсатишни овоз ва видео ёзувлар ёрдамида холисларсиз ўтказилишига рухсат берилган (Беларусь Республикаси ЖПК 224-м.);

2) зарурат бўлганда таниб олиш учун кўрсатиш видео ёзув материалларидан фойдаланган ҳолда ўтказилишига рухсат берилган (Украина Республикаси ЖПК 228-м.);



- 3) шах овози ёки юриши орқали таниб олиш учун камида тўрт нафардан кам бўлмаган ҳолатда кўрсатилиши мумкинлиги тартибга солинган (Украина Республикаси ЖПК 228-м.);
- 4) шахсни таниб олувчига олдиндан кўрсатиш ва таниб олиш ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўрсатиб аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни таниб олувчига кўрсатишнинг тақиқланиши алоҳида белгилаб қўйилган (Украина Республикаси ЖПК 229-м.);
- 5) мурдани таниб олиш учун кўрсатишда агар таниб олувчи уни тирик ҳолатда кўрган бўлса, марҳумни юзини пардозлашга рухсат этилиши алоҳида белгиланган (Арманистон Республикаси ЖПК 223-м., Қозоғистон Республикаси ЖПК 230-м., Молдова Республикаси ЖПК 117-м.);
- 6) таниб олиш учун нарсани кўрсатишда уни кир, занг ёки бошқа қатламлардан тозалашга рухсат берилган ва бунда нарсадаги далилий аҳамиятга эга излар йўқолиб кетмаслигини ҳам олдини олиш бўйича процессуал қоидалар белгиланган (Молдова Республикаси ЖПК 117-м., Арманистон Республикаси ЖПК 222-м.);
- 7) агар таниб олувчи гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, улар ёлғон кўрсатув берганлик ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши алоҳида белгиланган (Арманистон Республикаси ЖПК 221-м., Беларусь Республикаси ЖПК 224-м., Туркманистон Республикаси ЖПК 268-м., Қирғизистон Республикаси ЖПК 198-м., Қозоғистон Республикаси ЖПК 230-м., Молдова Республикаси ЖПК 116-м., Тожикистон Республикаси ЖПК 206-м.);
- 8) таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш таниб олувчи томондан таниб олинувчилар визуал кузатишни истисно этувчи шароитларда амалга оширилиши бўйича терговчининг алоҳида қарори чиқарилиши назарда тутилмаган (Беларусь Республикаси ЖПК 224-м., Тожикистон Республикаси ЖПК 206-м., Молдова Республикаси ЖПК 116-м.);
- 9) таниб олиш учун кўрсатишда турдош объектлар қоидаси фақат мурдага эмас, балки топиш қийин бўлган ва қиммат баҳо буюмларга нисбатан ҳам тадбиқ этилмаслиги белгиланган (Арманистон Республикаси ЖПК 223-м., Молдова Республикаси ЖПК 117-м., Қозоғистон Республикаси ЖПК 230-м.).

Таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган *шахслар гуруҳи орасида устаган жойни эгаллаш* таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан олдин ва ҳали таниб олувчи ушбу жойга таклиф қилинмасдан олдин амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий малакатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги ушбу процессуал қоидани тартибга солувчи нормалари ўрганилганда қуйидагиларни кузатиш мумкин:

1) Туркманистон Республикаси ЖПКнинг 268-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) биринчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан олдин**, таниб олинувчига бошқа шахслар орасидан бирон-бир жойни эгаллаши таклиф этилиши белгиланган[8];

2) Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 198-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)нинг иккинчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан олдин**



таниб олинадиган шахс баённомада қайд этилган шахслар орасида бирон бир жойни эгаллаши таклиф қилиниши белгиланган[6];

3) Россия Федерацияси ЖПКнинг 193-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш)нинг тўртинчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан олдин**, таниб олинувчи бошқа шахслар орасида бирон-бир жойни эгаллаш учун таклиф этилиши белгиланган[12];

4) Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 206-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)нинг иккинчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан олдин**, таниб олинувчи шахсга бошқа шахслар орасидан бирон-бир жойни эгаллаши таклиф этилиши белгиланган[13];

5) Арманистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)нинг тўртинчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан аввал** терговчи таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган бошқа шахслар орасида истаган жойни эгаллашни таклиф қилиши белгиланган[16];

6) Беларусь Республикаси ЖПК 224-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)нинг иккинчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан аввал** терговчи таниб олинувчига **таниб олиш учун кўрсатиладиган бошқа шахслар йўқлигида** истаган жойни эгаллашни таклиф қилиши белгиланган[4];

7) Украина Республикаси ЖПКнинг 228-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш)нинг иккинчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан аввал ва бошқа таниб олинувчилар йўқлигида** терговчи таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган бошқа шахслар орасида истаган жойни эгаллашни таклиф қилиши белгиланган[9];

8) Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 230-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)нинг бешинчи қисмида **таниб олишни бошлашдан олдин**, дастлабки терговни амалга ошираётган шахс таниб олинувчига бошқа шахслар орасидан бирон бир жойни эгаллашни таклиф қилиши белгиланган[5];

9) Молдова Республикаси ЖПКнинг 116-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш)нинг тўртинчи қисмида **таниб олиш учун кўрсатишдан олдин**, жиноий қидирув органининг вакили баённомада қайд этилганидек, таниб олиш учун тақдим этилган шахсга процессуал ассистентлар орасида бирон бир ўринни эгаллашни таклиф қилиши белгиланган[7].

Ушбу таҳлиллар кўрсатиб турибдики, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати мустақил тергов ҳаракати бўлсада, қонун чиқарувчи уни фақатгина гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўришга боғлайди. Яъни ушбу ҳаракатни ўтказиш учун кўрсатуви текшириб кўриладиган шахс сўроқ қилинган бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Илғор хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлилларига асосан, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини сўроқ қилиш тергов ҳаракатисиз ўтказиб бўлмаслиги шу билан бирга ушбу тергов ҳаракати сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бошқа процессуал ҳаракатларга чамбарчас боғлиқлигини ҳамда таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасидан



истаган жойни эгаллаши таниб олиш учун кўрсатишдан олдин ва таниб олувчилар йўқлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг тўғри ва самарали ўтказилиши нафақат жиноятларни тез ва тўла очиш, балки жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун ҳам муносиб замин яратади.

## References:

1. *Миразов Д.М.* Судга қадар иш юритиш устидан суд назоратини кенгайтириш // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2012. – № 3. – Б. 18.; *Саидов Б.А.* «Хабас корпус институтининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни» // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2013. – № 2. – Б. 39.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори // <http://lex.uz/docs/3735818> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чоратадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-470-сон Қонуни // <http://lex.uz/docs/3609511> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 09.01.2019)
5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 28.10.2019). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575852#pos=3;-137](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#pos=3;-137).
6. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики(с изменениями и дополнениями по состоянию на 04.08.2018 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=30241915#pos=4723;-37](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30241915#pos=4723;-37).
7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV(с изменениями и дополнениями по состоянию на 29.11.2018 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397729#pos=6;-142/](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=6;-142/)
8. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года(с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.03.2019 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31344376](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31344376).
9. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI(с изменениями и дополнениями по состоянию на 31.10.2019 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31197178#pos=5;-142/](http://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178#pos=5;-142/)



10. Уголовно-процессуальный кодекс Германии [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://pravo.org.ua/files/\\_\(1\).pdf](http://pravo.org.ua/files/_(1).pdf).
11. Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики (с изменениями, внесенными Решением Постоянного комитета Всекитайского собрания народных представителей от 14.03.2012 г. «О внесении изменений в Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики»). [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://wipolex.wipo.int/ru/text/337074>.
12. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 18.02.2020) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
13. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (По состоянию на 17.05.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
14. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 12 февраля 2003 года (По состоянию на 01.01.2017) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>.
15. Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики (с изменениями, внесенными Решением Постоянного комитета Всекитайского собрания народных представителей от 14.03.2012 г. «О внесении изменений в Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики») [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://wipolex.wipo.int/ru/text/337074>.
16. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года (По состоянию на 30.03.2018). [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
17. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года (По состоянию на 01.12.2017). [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).